

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**АДИЛОВ САРВАР ҚАХРАМОНОВИЧ**

**ЭРКИН КУРАШ СПОРТЧИЛАРИНИНГ КООРДИНАЦИОН  
ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТЕХНИК-ТАКТИК  
ҲАРАКАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва  
методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати**

**Чирчиқ-2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Адилов Сарвар Қахрамонович**

Эркин кураш спортчиларининг координацион қобилиятларини  
ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш  
технологияси.....3

**Адилов Сарвар Қахрамонович**

Технология развития координационных способностей и повышения  
эффективности технико-тактических движений спортсменов по вольной  
борьбе.....25

**Adilov Sarvar Kaxramonovich**

Technology of increase in efficiency of development of coordination abilities and  
technical and tactical actions of athletes in free-style wrestling.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**АДИЛОВ САРВАР ҚАХРАМОНОВИЧ**

**ЭРКИН КУРАШ СПОРТЧИЛАРИНИНГ КООРДИНАЦИОН  
ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТЕХНИК-ТАКТИК  
ҲАРАКАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва  
методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати**

**Чирчиқ-2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped820 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бакиев Зафар Абдушукурович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Алламуратов Шухратгула Иноятович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Бердиқулов Боходир Дўстмуродович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76; веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «А» биноси, 1-қават, 114-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» куни тарқатилган.

(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Р.Болтабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**М.Х.Миржамолов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби п.ф.б.ф.д.(PhD)

**Б.Б.Мусаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, п.ф.н., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида ўтказилаётган Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионати, Осиё чемпионати ва нуфузли халқаро мусобақалар жуда томошабоплиги юқори ва кенг қамровли бўлиб, кўплаб мамлакатлардан ёшларни олимпия спорт турларига қизиқишларини кучайишига хизмат қилиб келмоқда. Дунё мамлакатлари жисмоний тарбия ва спорт соҳасига катта аҳамият бериб, давлат сиёсати даражасида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва саломатликни муҳофаза қилиш, халқаро спорт тадбирларида мамлакатнинг спортдаги нуфузини ошириш ва шон-шухратини юксалтириш масалаларида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Жаҳонда спорт курашлари турларида рақобат кескин ўсиб бораётган айни дамда эркин курашчилар жисмоний тайёргарлиги ҳамда мусобақа натижаларининг ўсиш кўрсаткичлари тўғрисидаги объектив маълумотларни таҳлил қилиш ва ушбу асосида тайёргарлигининг турли томонларини оптималлаштириш муоммоси ўта долзарб ҳисобланади. Шу боис эркин курашчиларнинг техник-тактик ҳамда координацион қобилиятларининг самарадорлигини оширишда машғулот юкламаларини тақсимлаш ва режалаштириш, мусобақа ва махсус машқларни бажариш ҳаракатини бошқариш ва уни биомеханик таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бирок, малакали эркин курашчиларда махсус ускуна орқали, координацион қобилиятлари ва техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини аниқлаш юзасидан илмий ишлар олиб бориш тадқиқотчилар назаридан четда қолган.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аниқ мақсадли сиёсат олиб борилаётгани туфайли, ушбу соҳани янада ривожлантириш масалаларига кўпроқ эътибор берилаётганлиги яққол кўринмоқда. «Биз халқаро майдонларда Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшган спортчиларимиз билан фахрланамиз».<sup>1</sup> Эркин кураш бўйича республика ва халқаро мусобақаларда рақобат кескин ўсиб бораётган вазиятда спортчиларнинг тайёргарлик ҳолати тўғрисидаги объектив ахборот олиш ва курашчилар тайёргарлигида тизимли ёндашув масаласи долзарб ҳисобланиб, кўп жихатлар бўйича мезон ишлаб чиқилмаган. Эркин кураш мусобақаларига тайёргарлик жараёнини таҳлил қилиш ва спортчиларнинг индивидуал хусусиятларига оид услубларни танлаш, ўқув-машғулот дастурларини белгилашда воситаларни тўғри қўллаш, спортчиларнинг мусобақа фаолияти кўрсаткичларини таҳлил этиш, жисмоний ва техник-тактик тайёргарлик самарадорлигини оширишда махсус спорт ускуналаридан фойдаланиш йўли билан тадқиқотлар ўтказилмаган. Шу ўринда, мазкур ўтказилган тадқиқот ишларида мусобақа фаолиятини таҳлили асосида эркин кураш спортчиларининг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган” йиғилишдаги нутқи; 2018 йил 21 сентябрь, Халқ сўзи газетаси.

бўйича педагогик кузатишларни олиб бориш, бизнинг илмий тадқиқотларимизни долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сонли «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2821-сонли «Ўзбекистон Республикаси спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этишига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуга оид илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш жараёнида спортчиларнинг техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш ҳамда уларни халқаро ареналарда рақобатбардош қилиб тарбиялаш, ўқув-тренировка машғулотлари жараёнида янгича илмий-назарий ёндашиш муаммолари қатор муаллифларнинг [А.А.Рузиев, 2001; Х.А.Саноян, С.Л.Мусаеян, М.Г.Агамян, 2002] илмий-услубий ишларида берилган.<sup>2</sup> Чет эл мутахассислари қўлланилган воситалар ва услублар ҳақида турли фикрлар билдиришган ва амалда қўллаш йўллари ёритишга уринганлар [А.А.Рузиев, 2001; А.Н.Абдиев, 2004; Ф.А.Керимов, 2004].<sup>3</sup> Шу билан бирга, ушбу муаллифлар қайд этадики, эркин кураш спортчиларининг жисмоний ва техник-тактик тайёргарлигида машғулот воситалари ва юкламаларини тўғри қўллаш тўғрисида бир қатор муаллифларнинг ишларида таъкидланган. Турли спорт турлари мисолида координацион қобилиятларни ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари мутахассисларнинг [Н.А.Бернштейн, 1991; В.И.Лях, 2006; Ю.М.Юнусова, 2004; О.В.Гончарова, 2005] илмий тадқиқот ва услубий ишларида келтирилган, бироқ, ушбу берилган маълумотларда эркин курашчилар мисолида координацион қобилиятларни ривожлантириш мазмуни ёритиб берилмаган.<sup>4</sup>

---

<sup>2</sup> Рузиев А.А. Проблемы повышения специальной выносливости высококвалифицированных борцов //Теория и практика физической культуры. –Москва, 2001. -№8. -С.37-38. Саноян Х.А., Мусаеян С.Л., Агамян М.Г. Разработка современной комплексной технологии контроля в видах единоборств //Теория и практика физической культуры. –Москва, 2002. -№4. –С.26-27.

<sup>3</sup> Рузиев А.А. Проблемы повышения специальной выносливости высококвалифицированных борцов //Теория и практика физической культуры. –Москва, 2001. -№8. -С.37-38. Абдиев А.Н. Научно-педагогические основы формирования профессиональных умений тренера у студентов, специализирующихся в видах спортивных единоборств: Автореф. дис. д-ра. пед. наук. – Т., 2004. -22-26с. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар/ -Тошкент “Зарқалам”, 2004. 120-128 б.

<sup>4</sup> Бернштейн Н.А. О ловкости и ее развитии.- Москва: Физкультура и спорт, 1991.- 163-169 с. В.И.Лях. Координационные способности: диагностика и развитие.- Москва: ТВТ Дивизион, 2006.- 168-175 с. Юнусова Ю.М. Физическая культура в общеобразовательных школах республики Узбекистан. –Ташкент:

Жисмоний тайёргарлик ва техник-тактик ҳаракатларни ривожлантиришнинг илмий, назарий ва услубий асослари бир қатор тадқиқотларда [А.Н.Абдиев, 2004; Н.Н.Азизов, 2007; С.В.Багаев, 1998; Ф.А.Керимов, 2005; Ф.М.Пулатов, 1999; R.Mathesius, 1994; R.Petscnig, R.Baron, 1996; D.Sale, 1991; M.Tossavainen, A.Nummela, L.Paavolainen, A.Mero, H.Rusko. 1996] ёритилган.<sup>5</sup>

Шу билан бирга, эркин кураш спортчиларининг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқишнинг илмий-назарий ва услубий-технологик асослари тизимли тартибда шакллантирилмаган [А.А.Карелин, 2002; Н.А. Керимов, 1999; А.А.Рузиев, 2001; Б.И.Тараканов, 2000; А.С.Тодоров, 1992; Ю.А.Шахмурадов, 1999; М.Эрцеган, 1990; Ю.А.Шахмурадов, 1997].<sup>6</sup>

Юқорида келтирилган таҳлилий маълумотлар илмий тадқиқот ишларининг етарли эмаслигини кўрсатади ва эркин кураш спортчиларининг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш муаммоси ўта долзарб эканлигини тасдиқлайди.

Бу соҳадаги катта илмий-услубий тажриба тўпланганлигини эътиборга олиб, эркин курашчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш вазифаларини

---

2004. –ст. -106-107. Гончарова О.В. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш: Ўқув кўлланма. Тошкент, 2005. – , 108-116 б.

<sup>5</sup> Абдиев А.Н. Научно-педагогические основы формирования профессиональных умений тренера у студентов, специализирующихся в видах спортивных единоборств: Автореф. дис. д-ра. пед. наук. – Т., 2004. -22-26с. Азизов Н.Н. Малакали дзюдочиларнинг махсус ва мусобақа олди тайёрлигини шакллантириш: дис.пед.фан.номзоди. –Тошкент, 2007. 32-33 бет. Багаев С.В. Современные тенденции в структуре средств технико-тактических действий в вольной борьбе и методика их совершенствования: Автореф. дис. . канд. пед. наук. - Москва, 1998.-24-28с Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулрати/ -Тошкент: ЎзДЖТИ. Нашриёт бўлими, 2005.- 240-245 б.Пулатов Ф.М. Построение тренировочного процесса в годичном цикле подготовки женщин-самбисток: Автореф. дис. . канд. пед. наук. -М., 1999.-21-24 с.Mathesius R. Funktionelle Mechanismen der Heiattung-sentwicklunq //Trainingswissenschaft. - Berlin; Sportveflag, 1994. - S. 60 - 72.Petscnig R., Baron, R. Assessment of quadriceps strength and functional limitations determined by hop tests for distance and a newly designed vertical jump test after anterior cruciate ligament reconstruction //Eur. J. Phys. Med. Rehabil. - 1996. - №7. - P. 81-86.Sale D.G. Testing Strength and Power // The Physiological Testing of the High-Performance Athlete. Champaign, IL.: Human Kinetics Publishers. - 1991. - №12. -P. 36-39.Tossavainen M., Nummela A., Paavolainen L. Mero A., Rusko H.Comparison of Two Maximal Anaerobic Cycling Tests //Int. J. Sports Med.Vol.

<sup>6</sup> Карелин А.А. Спортивная подготовка борцов высокой квалификации. - Новосибирск, 2002. – 471-479 с. Керимов Н.А., Недорезов А.И., Рузиев М.А., Рузиев А.А., Система планирования и контроля учебно тренировочных нагрузок в вольной борьбе //Олимпия харакатини ривожлантириш, олимпия таълимотини жорий этиш ва Сиднейда ўтказиладиган XXVI Олимпия ўйинларига тайёргарлик масалаларига бағишланган: III Республика илмий-амалий анжумани муаммолар тўплами. 27 апрел 1999. -Тошкент, б 113-116. Рузиев А.А. Проблемы повышения специальной выносливости высококвалифицированных борцов //Теория и практика физической культуры. –Москва, 2001. -№8. -С.37-38.Саносян Х.А., Мусаелян С.Л., Агамян М.Г. Разработка современной комплексной технологии контроля в видах единоборств //Теория и практика физической культуры. –Москва, 2002. -№4. –С.26-27.Тараканов Б.И. Критический анализ современных тенденций развития спортивной борьбы //Теория и практика физической культуры. –Москва, 2000. -№6. -С.28-31.Тодоров А.С. Контроль координации движений борцов вольного стиля: Автореф. дис. канд. пед. наук. – М., 1992. 16-24 с.Шахмурадов Ю.А. Научно-методические основы многолетней технико-тактической подготовки борцов (на примере вольной борьбы): Автореф. дис. . д-ра пед. наук. - М., 1999. – 24-28Эрцеган М. Цель тренировки – развитие современной соревновательной модели //Спортивная борьба: Сб. информ.-метод. матер. - М.: ЦНИИС, ВНИИФК, 1990. -№1. -С.9-10 Шахмурадов Ю.А. Вольная борьба: научно-методические основы многолетней подготовки борцов/. –Москва: Высшая школа.1997.-ст.175-189.

уйғунликда ҳал қилиш йўли катта самара бериши аниқланди.

Бугунги кунда эркин курашчиларнинг мусобақа фаолияти хусусиятларини ўрганиш асосида координатсион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш бўйича уйғунликда ўтказилган тадқиқотлар йўқлиги аниқланди. Бундай ёндашув мусобақа ва ўқув-машғулот жараёнларини оқилона бошқаришга ёрдам беради. Чунки, жисмоний ва техник-тактик тайёргарлик бир-бирига таъсир қилиш катталигини боғлаб турувчи кўрсаткичларни баҳолаб туриш спортчилар маҳорати ва спорт натижалари кўтарилишида катта самара беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистон терма жамоаларида малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш» илмий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эркин курашчиларнинг мусобақа фаолияти хусусиятларини ўрганиш асосида координатсион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

эркин курашда мусобақа фаолияти хусусиятларини таҳлил этиш асосида спортчиларнинг техник-тактик тайёргарлик даражасини аниқлаш;

эркин курашчиларнинг координатсион қобилиятларининг ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш;

эркин кураш спортчиларининг координатсион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштиришга оид тизимли кўрсаткичларини, махсус ускуна ва жисмоний машқлар мажмуаси ҳамда машғулот дастурларини ишлаб чиқиш;

ўқув- машғулотлари жараёнига махсус жисмоний машқлар мажмуасини татбиқ этиш асосида эркин курашчиларнинг координатсион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган технология ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида малакали эркин курашчиларнинг координатсион қобилиятларини ривожлантиришга ва техник-тактик ҳаракати самарадорлигини оширишга йўналтирилган ўқув-машғулотлари жараёни ва мусобақа фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** эркин курашчиларнинг координатсион қобилиятлари ва техник-тактик ҳаракатлари ҳамда мусобақа фаолияти самарадорлиги.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, пульсометрия, инструментал услуб, педагогик тажриба ва математик статистика усуллари.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

эркин курашчиларнинг мусобақа шароитида (BZA ва WREST ёрдамида) мураккаб ҳамда ўзгарувчан вазиятларда ҳимоя ва хужум ўртасидаги техник-тактик ҳаракатларининг мураккаб фазалари оралиқ баҳолаш асосида такомиллаштирилган;

эркин курашчиларнинг (ZS «Zafar-Sarvar» спорт ускунасида) координацион қобилиятлари даражаси, партерда рақиб техникасидан келиб чиқиб, ўзгарувчан вазиятларни мураккаблиги бўйича саралаш асосида такомиллаштирилган;

эркин курашчиларнинг мусобақа тақвим-режаси бўйича координацион қобилиятлар ва техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини оширишга йўналтирилган (тайёргарлик даражасига қараб) ҳафталик дастурлар беллашув ва тикланиш тартибларини ўзгартириш асосида оптималлаштирилган;

эркин курашчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлар ҳамда мураккаб шароитларда мувозанат сақлай олиш самарадорлигини ошириш технологияси дифференциал методлар асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мусобақа фаолияти хусусиятларини таҳлил этиш услубияти, эркин курашчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш шакллари ва эркин курашда техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштиришга йўналтирилган ўқув-машғулотлари жараёнини ташкил қилишда қўлланилиши мумкин;

ишлаб чиқилган илмий-назарий материаллар, техник-тактик ҳаракатларни таҳлил этиш услубияти, инструментал услуб, махсус машқлардан фойдаланиш усуллари ва дастурлари, шунингдек, координацион қобилиятларни ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатларни такомиллаштириш бўйича илмий ҳамда амалий тавсиялардан эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоасини ўқув-машқ ва спортчиларни саралаш жараёни учун янги ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий назариялар, спорт амалиётида мавжуд қоидаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқотнинг илмий ташкил этилганлиги билан тасдиқланади. Қўлланилган тадқиқот услублари мажмуаси тадқиқот олдига қўйилган вазифаларга мос келади, катта далилий материалларнинг юқори даражадаги ишончлилиги, тўғри ишлаб чиқилганлиги, таҳлил қилинганлиги ва талқин этилганлиги билан изоҳланади. Олинган натижаларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги, аниқ ҳамда тадқиқот ва педагогик услубларнинг қўлланилганлиги билан таъминланган. Тадқиқот натижаларининг сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил услублари қўлланилганлиги билан белгиланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган педагогик тажрибаларда олинган натижалар асосида эркин курашчиларнинг ўқув-тренировка машғулотларининг янги воситалари ва мақсадли такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилди ҳамда уларни қўллаш самарадорлигини илмий моҳияти очиб берилди. Тадқиқотлар давомида малакали эркин курашчиларнинг координатсион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини оширишнинг ўзаро боғлиқлиги амалиётда исботланди. Мазкур олинган маълумотлар спорт кураши назарияси ва услубияти соҳасидаги назарий билимларни бойитиш ва кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, эркин курашда мусобақа қоидаларининг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда координатсион қобилиятларни ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини ошириш технологияси ишлаб чиқилди ҳамда жисмоний сифатларни яхшилаш орқали, уларнинг мусобақа фаолияти натижадорлигини ошириш имкони яратилди. Эркин кураш бўйича ишлаб чиқилган тамойиллар бошқа кураш турларида ихтисослашувчи спорт таълим муассасалари ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси курашчиларининг машғулотлари жараёнида мутахассислар томонидан фойдаланишга имкон яратади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Малакали эркин курашчиларнинг координатсион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш бўйича ўтказилган тажрибалар асосида:

эркин курашчиларнинг мусобақа фаолияти хусусиятларини таҳлил этиш асосида спортчиларнинг техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар «Эркин ва юнон-рум кураши» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-308 рақамли гувоҳнома). Натижада тадқиқот якунида тажриба гуруҳи курашчиларининг мусобақа фаолияти ва техник-тактик тайёргарлик бўйича 5 та кўрсаткич 18%га яхшиланган;

эркин кураш спорт турида «ZS» спорт ускунасини яратиш асосида спортчиларнинг координатсион қобилиятларини ривожланиши ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш технологияси «Эркин курашчиларнинг спорт педагогик маҳоратини ошириш» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги 744-сонли буйруғига асосан 744-135 рақамли гувоҳнома) ҳамда ўрнатилган тартибда меъёрий ҳужжатлар расмийлаштирилди (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк бўйича Агентлиги давлат унитар корхонасининг 2019 йил 7 майдаги 001330-рақамли гувоҳномаси олинган). Натижада эркин курашчиларнинг координатсион қобилиятлари ривожланиши ва жисмоний тайёргарлик даражаси 15%га яхшиланган;

эркин кураш спортчиларининг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик тайёргарлигини такомиллаштиришга оид тизимли кўрсаткичлари ва махсус жисмоний машқлар мажмуалари ишлаб чиқилиб, таклифлар ва тавсиялар «Эркин ва юнон-рум кураши» номли ўқув қўлланма мазмунида акс этирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-308 рақамли гувоҳнома). Натижада эркин курашчиларнинг координацион қобилиятлари ривожланиши ва техник-тактик ҳаракатлар даражаси 16%га яхшиланган;

эркин курашчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш ҳамда техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини ошириш технологияси бўйича таклифлар ва тавсиялар «Эркин курашчиларнинг спорт педагогик маҳоратини ошириш» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил

25 августдаги 744-сонли буйруғига асосан 744-135 рақамли гувоҳнома). Натижада Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ўқувчилари томонидан халқаро мусобақаларда 2 та олтин, 4 та кумуш ва 3 та бронза медаллар, республика мусобақаларида эса 1 та олтин, 1 та кумуш ва 4 та бронза медаллар қўлга киритилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий-услубий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (2 та республика ва 2 та хорижий илмий журналда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши 127 саҳифа матндан иборат бўлиб, кириш қисми, 4 та боб, 6 та расм, 18 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг зарурати, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ҳамда уларнинг жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида батафсил

маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Муаммонинг ўрганилганлик ҳолати ва унинг методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида эркин курашчиларнинг умумий ва махсус тайёргарлиги бирлиги тамойили, жисмоний тайёргарлиги ва координацион қобилиятларини ривожлантириш асослари, мусобақа фаолияти самарадорлигини ошириш ва техник-тактик тайёргарликни ривожлантириш асослари мавжуд илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш орқали ёритилган. Бир қатор олимлар [А.Абдуллаев, Ш.Х.Хонкелдиев 2005; Ж.А.Акрамов, 2007; А.М.Ачилов, Р.Д.Халмухамедов, В.Н.Шин, С.С.Тажибаев, Ғ.Қ.Ражабов 2012] спортчининг жисмоний тайёргарлиги спорт тренировкасининг муҳим таркибий қисмларидан бири эканлигини, бошқа олимлар [Т.С.Усмонхўжаев, М.Б.Алиев, Х.Х.Сағдиев, Ф.К.Турдиев, Ж.А.Акрамов, 2006; Р.С.Саламов, Р.М.Маткаримов, М.Акбарова 2011] умумий жисмоний тайёргарликда турли воситалар (акробатика, енгил атлетика, спорт ўйинлари, сузиш ва ҳ.к.) ва махсус тренажёрларда бажариладиган машқлардан фойдаланиш самарали эканлигини таъкидлашган. Баъзи мутахассисларнинг [Ф.А.Керимов, 2004; Н.А.Тастанов, 2017; З.А.Бакиев, 2011] фикрига кўра, спортчининг координацион мувозанатини ривожлантириш самарасини ошириш билан бир қаторда, келгуси машғулотларда маълум даражадаги юксалишига ёрдам берувчи воситалар қўлланиши мақсадга мувофиқ.

Қиёсий таҳлиллар натижасида, ҳозирги вақтда спорт кураши амалиётида, айниқса, эркин курашда қўлланилаётган технологиялар стандарт услублардан иборат бўлиб, курашчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик тайёргарлигини такомиллаштиришда фақатгина тренажёрлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тўлиқ имконини бермаслиги, мазкур йўналиш бўйича илмий тадқиқотлар етарли эмаслиги ва тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлиги очиқ берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг усуллари ва уни ташкил қилиниши**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, анкета-сўров, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, пульсометрия, инструментал усул, тадқиқотни амалга ошириш бўйича педагогик тажрибалар, тадқиқотни ташкил қилиниши, олинган материалларни қайта ишлаш бўйича математик статистика усулларида фойдаланилганлиги ҳамда биз томондан ишлаб чиқилган «ZS» спорт ускунасининг тузилиши ва функцияси ҳамда махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Тадқиқот ишлари 2017-2019 йиллар давомида уч босқичда ўтказилди.

Биринчи босқичда (2017 йил) махсус илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш асосида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий хусусиятлари ўрганилди, тадқиқотнинг йўналиши белгиланди. Тадқиқотнинг мавзуси шакллантирилди. Амалга ошириладиган тажрибаларга мувофиқ усуллар танланди, ишчи фараз

шакллантирилди. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланди, дастлабки материаллар тўпланди. Курашчиларнинг мусобақа фаолиятини тезкор таҳлил ва назорат қилиш услубияти танланди. Эркин курашчиларнинг координацион қобилиятлар ва техник-тактик ҳаракатларини ривожланлантиришга мўлжалланган «ZS» спорт ускунаси ҳамда шу мақсадда кураш гиламида қўлланиладиган эркин курашчиларнинг махсус машқлари мажмуалари, шу билан биргаликда уларни амалиётга жорий қилиш орқали тайёргарлик босқичини мақсадли такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқичда (2017-2018 ўқув йили) биз томондан ишлаб чиқилган эркин кураш спортчиларининг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш технологиясини тажриба-синовларда қўллаш орқали эркин курашчиларнинг мусобақа фаолиятини ишончли кўрсаткичлари ҳамда техник-тактик тайёрлик даражаси, техник ва жисмоний тайёргарлиги даражаси аниқланди. Махсус ишлаб чиқилган «ZS» спорт ускунаси ва махсус машқлар мажмуасининг самарадорлигини аниқлаш бўйича эркин курашчилар билан ўтказилган педагогик тажрибалар батафсил ёритилган.

Учинчи босқичда (2018-2019 ўқув йили) тажриба ва назорат гуруҳларига 12 нафардан шуғулланиш тажрибаси 8 йилдан кам бўлмаган эркин курашчилар жалб қилинди. Эркин курашчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштириш самарадорлигига йўналтирилган махсус ишлаб чиқилган «ZS» спорт ускунасини, ва кураш гиламида бажариладиган машқлар мажмуасининг таъсири педагогик тажрибаларда аниқланди. Координацион қобилиятларни ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини оширишга йўналтирилган тайёргарлик босқичи машғулотлари юкламалари оптималлаштирилди. Бу мақсадда ишлаб чиқилган технологиянинг самарадорлиги тажриба-синовларда ўз аксини топди. ЎзДЖТСУ, Республика ва Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ҳамда Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 1-сонли БЎСМ базасида спортчиларнинг техник-тактик тайёргарлиги даражасини аниқлаш ва назорат тестлари ёрдамида услубият самардорлиги асослаб берилди. Тадқиқот давомида олинган натижалар математик-статистика усуллари ёрдамида ҳисоблаб, таҳлил қилинди, диссертация иши шакллантирилиб, расмийлаштирилди.

**Диссертациянинг «Эркин кураш билан шуғулланувчи спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган машғулот жараёнини тузилиши»** деб номланган учинчи бобида эркин курашчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш ва техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштириш самарадорлигига йўналтирилган махсус ишлаб чиқилган «ZS» спорт ускунаси ва кураш гиламида бажариладиган машқлар мажмуаси, Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги ва халқаро турнирларга тайёргарлик

**Эркин курашчиларнинг координатсион қобилиятларини ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган дастур**

Т/р	Ҳафта кунлари	1-машгулот	Машгулот вақти (соат)	Умумий вақт (соат)	2-машгулот	Машгулот вақти (соат)	Умумий вақт (соат)	Жами вақт (соат)	Юклама меъёри
1.	Душанба	ТТГ ва «ZS»- спорт ускунасида бажариладиган машқлар	Якка тартибда Жуфтликда.	1,5	3	Кураш гиламида бажариладиган махсус машқлар	1	2	Ўрта
				1,5					
2.	Сешанба	Умумий жисмоний тайёргарлик ва махсус жисмоний тайёргарлик.	УЖТ МЖТ	1 1	2	Кураш гиламида бажариладиган махсус машқлар	1,5	3	Юқори
3.	Чоршанба	ТТГ ва «ZS»- спорт ускунасида бажариладиган машқлар	Якка тартибда Жуфтликда.	1 1	2	Тикланиш	2	2	Паст
4.	Пайшанба	Умумий жисмоний тайёргарлик ва махсус жисмоний тайёргарлик.	УЖТ МЖТ	1 1	2	Кураш гиламида бажариладиган махсус машқлар	1,5	3	Ўрта
5.	Жума	ТТГ ва «ZS»- спорт ускунасида бажариладиган машқлар	Якка тартибда Жуфтликда.	1,5 1,5	3	Беллашув	2	5	Юқори
6.	Шанба	Умумий жисмоний тайёргарлик ва махсус жисмоний тайёргарлик.	УЖТ МЖТ	1 1	2	Тикланиш	2	4	Паст
7	Якшанба	Дам олиш куни	1-машгулот	14-соат	2-машгулот	14-соат	28 соат	Жами: 28 соат	

Изоҳ: УЖТ-умумий жисмоний тайёргарлик, МЖТ-махсус жисмоний тайёргарлик, ТТГ-техник-тактик тайёргарлик.

босқичидаги малакали эркин курашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигини оптималлаштирилган юкламалари педагогик тажриба-синовларда қўлланилиши самарадорлиги, малакали спортчиларнинг координацион қобилиятлари ва техник-тактик тайёргарлигини жадал ривожлантиришга қаратилган омилларни аниқлаш мақсадида тажрибали тренерлар ва спортчилар ўртасида ўтказилган анкета-сўровнома маълумотлари юзасидан тахлилий материаллар ёритилган.

Эркин курашчиларнинг координацион қобилиятлари ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган дастур 1-жадвалда келтирилган. Ушбу дастурга кўра, малакали эркин курашчиларнинг машғулоти ҳафтасига 28 соатни, йилига эса – 1456 соатни ташкил қилди ва биз ишлаб чиққан дастурни бажариш вақти ушбу вақт меъёридан ташқарига чиқмади ҳамда ҳафталик циклларда ҳар куни (якшанбадан ташқари) якка тартибда ва жуфтликларда ўтказилди. Кураш гиламида бажариладиган махсус машқлар мажмуаси 13 тадан иборат бўлиб, уларни душанба, сешанба, пайшанба кунлари бажариш режалаштирилди. Ҳар бир спортчига машқни бажариш учун 2 дақиқадан вақт ажратилди, 13 та машқни бажаришга иккала курашчи 26 дақиқадан жами 52 дақиқа сарфлади.

Ушбу мажмуага 13 та машқлар киритилган бўлиб, машғулотларни ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари бажариш режалаштирилди. Душанба ва жума кунлари ҳар бир спортчи учун битта машқни бажаришга 3 дақиқа, барча машқлар учун иккала курашчига 39 дақиқадан, жами 78 дақиқа вақт ажратилди. Чоршанба куни 1 та машқни бажаришга 2 дақиқа, барча машқлар учун иккала курашчига 26 дақиқадан, жами 52 дақиқа ажратилди.

Диссертациянинг **“Эркин курашчиларнинг координацион қобилиятлари ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш технологиясини асослаш”** деб номланган тўртинчи бобида эркин курашчиларнинг координацион қобилияти ва техник-тактик тайёргарлик даражасини ишлаб чиққан технологияни қўллаш натижасида ўсиш динамикаси ҳамда мусобақа фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичларини қиёсий тахлили натижалари баён қилинган.

Тажриба гуруҳи (ТГ) ва назорат гуруҳи (НГ) курашчилари жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари ўсишининг қиёсий тахлили 2-жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, тадқиқот бошида: махсус координация машқларини бажаришдаги дастлабки кўрсаткичлар ТГда  $9,98 \pm 0,95$  сонияни, НГда эса  $9,91 \pm 0,97$  сонияни ташкил этди. Тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончсиз эканлиги аниқланди ( $p > 0,05$ ). Тадқиқот якунида бу кўрсаткичлар ТГда  $11,67 \pm 0,96$  сонияга ва НГда  $10,72 \pm 0,91$  сонияга ўзгарди. Гуруҳлар бўйича ўсиш ТГда  $1,69 \pm 0,95$  (16,9%) сонияни, НГда  $0,81 \pm 0,94$  (8,2%) сонияни ташкил қилди, фарқ статистик жиҳатдан ишончлидир ( $p > 0,05$ ).

**Тажриба (ТГ) ва назорат (НГ) гуруҳи курашчилари жисмоний тайёргарлиги  
кўрсаткичларини ўсишининг кийсий таҳлили (n=24)**

т/р	Назорат тестлари	Дастлабки натижалар		Якуний натижалар		Ўсиш натижалари				t		p	
		$\bar{X} \pm \sigma$		$\bar{X} \pm \sigma$		$\bar{X} \pm \sigma$		%		ТГ	НГ	ТГ	НГ
		ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ				
1.	Курашчи билан махсус координация машқларини бажариш (сония)	9,98±0,95	9,91±0,97	11,67±0,96	10,72±0,91	1,69±0,95	0,81±0,94	16,93	8,17	4,33	2,11	<0,001	<0,05
2.	10 марта елкадан ошириб ташлаш (сония)	15,99±1,54	16,13±1,57	13,78±1,13	14,88±1,25	2,21±1,33	1,25±1,41	13,82	7,75	4,01	2,16	<0,001	<0,05
3.	10 марта эгилиб ошириб ташлаш (сония)	28,03±2,74	28,17±2,78	23,96±2,17	25,97±2,26	4,07±2,45	2,2±2,52	14,52	7,81	4,03	2,13	<0,001	<0,05
4.	10 марта елкалардан ошириб ташлаш (сония)	15,32±1,51	15,23±1,48	12,86±1,17	14,01±1,29	2,46±1,34	1,22±1,38	16,06	8,01	4,46	2,15	<0,001	<0,05
5.	10 марта кўприк ҳолатида эгилиб ўтишлар (сония)	18,34±1,87	18,43±1,81	15,63±1,42	16,97±1,49	2,71±1,64	1,46±1,65	14,78	7,92	4,00	2,16	<0,001	<0,05
6.	5 марта кўприк ҳолатида икки томонга айланишлар (сония)	27,05±2,65	27,18±2,67	23,18±2,06	25,07±2,13	3,87±2,35	2,11±2,4	14,31	7,76	3,99	2,14	<0,001	<0,05
7.	Курашчини белини ушлаб партердан юқорига кўтариш (марта)	20,95±2,03	20,88±2,09	24,61±2,05	22,79±2,02	3,66±2,04	1,91±2,05	17,47	9,15	4,39	2,28	<0,001	<0,05
8.	Турникда тортилиш (марта)	20,13±2,01	19,33±2,01	23,35±2,02	21,35±2,05	3,22±2,015	2,02±2,03	16,00	10,45	3,91	2,44	<0,001	<0,05
9.	Треллер устида мувозанатни сақлаш (сония)	7,98±0,75	8,07±0,76	9,45±0,87	8,72±0,73	1,47±0,81	0,65±0,74	18,42	8,05	4,43	2,14	<0,001	<0,05
10.	Курашчини елкага олиб ўтириб-туруш (марта)	20,99±2,01	20,89±2,07	24,35±2,01	22,63±1,92	3,36±2,01	1,74±0,79	16,01	8,33	4,09	2,13	<0,001	<0,05
11.	Курашчи вазнига тенг тошни ётиб кўтариш (марта)	8,52±0,75	8,32±0,81	9,72±0,71	9,02±0,78	1,2±0,73	0,7±0,79	14,08	8,41	4,03	2,16	<0,001	<0,05
12.	4 метрли арқонга чирмашиб чиқиш (марта)	2,05±0,19	1,98±0,21	2,36±0,18	2,16±0,21	0,31±0,185	0,18±0,21	15,12	9,09	4,10	2,10	<0,001	<0,05
13.	Узунликка сакраш (метр)	2,01±0,17	2,15±0,18	2,33±0,18	1,97±0,19	0,36±0,01	0,18±0,18	15,92	9,14	4,48	2,38	<0,001	<0,05



10 марта елкадан ошириб ташлаш машқида дастлабки натижалар ТГ да  $15,99 \pm 1,54$  сония ва НГда  $16,13 \pm 1,57$  сониядан иборат бўлди. Тажриба якунида бу кўрсаткичларда ўзгаришлар юз берди: ТГда  $13,78 \pm 1,13$  сонияни, НГда  $14,88 \pm 1,25$  сонияни ташкил қилди. Ўсиш ТГда  $2,21 \pm 1,33$  (13,8%) сонияни, НГда  $1,25 \pm 1,41$  (7,7%) сонияни ташкил қилди, фарқ статистик жиҳатдан ишончлидир ( $p > 0,05$ ).

10 марта эгилиб ошириб ташлаш машқида дастлабки натижалар ТГ  $28,03 \pm 2,74$  сонияни, НГда  $28,17 \pm 2,78$  сонияни ташкил қилди, фарқлар ишончсиз ( $p > 0,05$ ). Тадқиқот якунида ушбу кўрсаткичлар мос равишда  $23,96 \pm 2,17$  ва  $25,97 \pm 2,26$  сонияга тенг бўлди. Ўсиш ТГда  $4,07 \pm 2,45$  (14,5%) сонияни, НГда  $2,2 \pm 2,52$  (7,8%) сонияни ташкил қилди, фарқ статистик жиҳатдан ишончлидир ( $p > 0,05$ ).

10 марта елкалардан ошириб ташлаш машқида дастлабки кўрсаткич ТГда  $15,32 \pm 1,51$  сонияни, тадқиқот якунида  $12,86 \pm 1,17$  сонияни, ўсиш  $2,46 \pm 1,34$  сонияни ташкил қилди (16,1%), НГда эса, мос равишда  $15,23 \pm 1,48$ ,  $14,01 \pm 1,29$  ва  $1,22 \pm 1,38$  сонияни ташкил қилди (8,0%). Тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқлар барча ҳолатларда ишончлидир ( $p < 0,05$ ).

10 марта кўприк ҳолатида эгилиб ўтиш машқида дастлабки кўрсаткич ТГда  $18,34 \pm 1,87$  сонияни ва НГ  $18,43 \pm 1,81$  сонияни ташкил қилди. Тажриба якунида ТГ  $15,63 \pm 1,42$  сонияни, ўсиш кўрсаткичи ТГда  $2,71 \pm 1,64$  (14,7%) сонияни ва НГда  $1,46 \pm 1,65$  (7,92%) сонияни ташкил қилди.

5 марта кўприк ҳолатида икки томонга айланиш машқини бажариш пайтида дастлабки натижалар ТГда  $27,05 \pm 2,65$  сонияни ва НГда  $27,18 \pm 2,67$  сонияни ташкил қилган бўлса, тажриба якунида мос равишда  $23,18 \pm 2,06$  ва  $25,07 \pm 2,13$  сонияни ташкил қилди, ўсиш фарқи ТГда  $3,87 \pm 2,35$  (14,31%) ва НГда  $2,11 \pm 2,4$  (7,76%) сониядан иборат бўлди.

Курашчини белини ушлаб партердан юқорига кўтариш машқини бажаришда дастлабки натижалар ТГда  $20,95 \pm 2,03$  сонияни, НГда  $20,88 \pm 2,09$  сонияни ташкил қилди. Тажриба якунида бу кўрсаткич мос равишда  $24,61 \pm 2,05$  ва  $22,79 \pm 2,02$  сонияни ташкил қилди. Ўсиш ТГда  $3,66 \pm 2,04$  (17,4%) ва НГда  $1,91 \pm 2,05$  (9,1%) сонияни ташкил қилди, фарқлар ишончлидир ( $p < 0,05$ ).

Турникда тортилиш машқини бажаришдаги дастлабки натижалар ТГда  $20,13 \pm 2,01$  мартани, НГда  $19,33 \pm 2,01$  мартани ташкил қилди, фарқлар ишончсиз эканлиги аниқланди ( $p > 0,05$ ). Тажриба якунида бу кўрсаткич мос равишда  $23,35 \pm 2,02$  ва  $21,35 \pm 2,05$  мартани, ўсиш ТГда  $3,22 \pm 2,015$  (16%) мартани ва НГда  $2,02 \pm 2,03$  (10,4%) мартани ташкил қилди.

Треллер (лентасимон тасма) устида мувозанатни сақлашдаги дастлабки натижалар ТГда  $7,98 \pm 0,75$  сонияни, НГда  $8,07 \pm 0,76$  сонияни ташкил қилди, фарқлар ишончсиз эканлиги аниқланди ( $p > 0,05$ ). Тажриба якунидаги натижалар ТГда  $9,45 \pm 0,87$  сонияга ва НГда  $8,72 \pm 0,73$  сонияга тенг бўлди. Ўсишдаги фарқ мос равишда  $1,47 \pm 0,81$  (18,42%) ва  $0,65 \pm 0,74$  (8,05%) сония бўлди. Тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқлар барча ҳолатларда ишончлидир ( $p < 0,05$ ).

Курашчини елкага олиб ўтириб-туриш машқини бажаришдаги дастлабки натижалар ТГда  $20,99 \pm 2,01$  мартани, НГда  $20,89 \pm 2,07$  мартани ташкил қилди, фарқлар ишончсиз эканлиги аниқланди ( $p > 0,05$ ). Тадқиқот якунида эса, ТГда  $24,35 \pm 2,01$  мартани ва НГда  $22,63 \pm 1,92$  мартани, ўсиш мос равишда  $3,36 \pm 2,01$  (16,0%) ва  $1,74 \pm 0,79$  (8,3%) мартани ташкил қилди.

Курашчи вазнига тенг бўлган тошни ётиб кўтариш машқини бажаришдаги дастлабки натижалар ТГда  $8,52 \pm 0,75$  мартани, НГда  $8,32 \pm 0,81$  мартани, тажриба якунида эса, мос равишда  $9,72 \pm 0,71$  ва  $9,02 \pm 0,78$  мартани ташкил қилди. Ўсиш кўрсаткичлари ТГда  $1,2 \pm 0,73$  (14,0%) мартани ва НГда  $0,7 \pm 0,79$  (8,41%) мартани ташкил қилди.

4 метрли арқонга чирмашиб чиқиш машқини бажаришда дастлабки кўрсаткичлар ТГда  $2,05 \pm 0,19$  мартани, НГда  $1,98 \pm 0,21$  мартани, тажриба якунида эса, мос равишда,  $2,36 \pm 0,18$  ва  $2,16 \pm 0,21$  мартани ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич ТГда  $0,31 \pm 0,185$  (15,1%) мартага ва НГда  $0,18 \pm 0,21$  (9,0%) мартага ошди.

Узунликка сакраш машқини дастлабки бажаришда дастлабки кўрсаткичлар ТГда  $2,01 \pm 0,17$  м ни, НГда  $2,15 \pm 0,18$  м ни, тажриба якунида эса, мос равишда,  $2,33 \pm 0,18$  ва  $1,97 \pm 0,19$  метрни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич ТГда  $0,36 \pm 0,01$  (15,9%) метрга ва НГда  $0,18 \pm 0,95$  (9,1%) метрга ошди.

Тажриба якунида ТГ кўрсаткичларининг ўртача арифметик катталикларини назорат гуруҳидаги худди шундай катталикларни тажриба давомидаги ўзгаришига нисбатан юқори даражада статистик ишончли ўсиши кузатилди. Бу, ишлаб чиқилган технологиянинг самарадорлиги ва педагогик тажрибадан кўзланган мақсадга эришилганлигидан далолат беради.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги курашчиларнинг махсус «ZS» спорт ускунасида машқларни бажариш жараёнида координатцион қобилиятларини ўсиши натижаларини қиёсий таҳлили 3-жадвалда келтирилган.

Юқори партер ҳолатида олдинга юриш машқида дастлабки натижалар ТГда  $6,98 \pm 0,81$  сонияни, НГда  $6,92 \pm 0,83$  сонияни, тадқиқот якунида эса, мос равишда,  $5,59 \pm 0,68$  ва  $6,22 \pm 0,71$  сонияни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичлар ТГда  $1,3 \pm 0,71$  (18,6%) сонияга, НГда  $0,68 \pm 0,73$  (9,8%) сонияга яхшиланди. Тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончли ( $p < 0,05$ ) бўлди.

Юқори партер ҳолатида орқага юриш машқида дастлабки натижалар ТГда  $8,99 \pm 1,01$  сонияни, НГда  $8,93 \pm 1,06$  сонияни ташкил қилди, фарқлар ишончсиз эканлиги аниқланди ( $p > 0,05$ ). Тадқиқот якунида ушбу кўрсаткичлар ТГда  $7,69 \pm 0,86$  сонияни, НГда  $7,94 \pm 0,96$  сонияни ташкил қилди, фарқлар мос равишда  $1,3 \pm 0,85$  (14,4%) ва  $0,75 \pm 0,99$  (8,2%) сонияга ўсди.

Юқори партер ҳолатида ён томонга юриш машқида дастлабки натижалар ТГда  $5,03 \pm 0,55$  сонияни, НГда  $4,99 \pm 0,59$  сонияни, тадқиқот якунида эса, мос равишда,  $4,29 \pm 0,52$  ва  $4,77 \pm 0,53$  сонияни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич ТГда  $0,74 \pm 0,48$  (14,7%) сонияга ва НГда  $0,44 \pm 0,5$  (8,5%) сонияга яхшилانганлиги кузатилди.

**Тажриба (ТГ) ва назорат (НГ) гуруҳларидаги курашчиларнинг махсус «ZS» спорт ускунасида машқларни бажариш пайтида координацион қобилиятларини ўсишининг қиёсий таҳлили (n=24)**

т/р	Назорат тестлари	Дастлабки натижалар		Яқуний натижалар		Ўсиш натижалари				t		p	
		$\bar{X} \pm \sigma$		$\bar{X} \pm \sigma$		%				ТГ	НГ	ТГ	НГ
		ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ				
1.	Юқори партер ҳолатида олдинга юриш (сония)	6,98±0,81	6,92±0,83	5,59±0,68	6,22±0,71	1,3±0,71	0,68±0,73	18,62	9,83	4,44	1,85	<0,001	>0,05
2.	Юқори партер ҳолатида орқага юриш (сония)	8,99±1,01	8,93±1,06	7,69±0,86	7,94±0,96	1,3±0,85	0,75±0,99	14,46	8,26	3,74	2,15	<0,01	<0,05
3.	Юқори партер ҳолатида ён томонга юриш (сония)	5,03±0,55	4,99±0,59	4,29±0,52	4,77±0,53	0,74±0,48	0,44±0,5	14,71	8,58	3,70	1,85	<0,01	>0,05
4.	Қўлларга таянган ҳолда орқага юриш (сония)	11,34±1,27	11,28±1,33	9,68±1,15	10,87±1,31	1,66±1,11	0,86±0,21	14,64	7,49	3,61	1,77	<0,01	>0,05
5.	Қўлларга таянган ҳолда ён томонга юриш (сония)	14,05±1,69	13,99±1,66	11,89±1,39	13,46±1,62	2,16±1,2	1,05±1,44	15,37	7,44	4,11	1,76	<0,001	>0,05
6.	Рақибни тесқари ушлаб олдинга ва орқага юриш (сония)	23,95±2,59	24,01±2,63	20,49±2,45	23,12±2,59	3,46±2,3	1,73±2,4	14,45	7,21	3,66	1,78	<0,01	>0,05
7.	Рақибни тесқари ушлаб ён томонга юриш (сония)	16,13±1,91	15,98±1,83	13,66±1,61	15,21±1,79	2,5±1,62	1,23±1,68	15,50	7,55	3,72	1,76	<0,01	>0,05
8.	Олдинга тезлик билан юриш (сония)	9,99±1,18	10,03±1,21	8,48±0,91	9,55±1,11	1,58±0,99	0,72±0,18	15,82	7,27	3,85	1,87	<0,001	>0,05
9.	Орқага тезлик билан юриш (сония)	16,52±1,72	16,37±1,81	14,04±1,67	15,64±1,79	2,48±1,46	1,26±1,64	15,01	7,51	4,09	1,93	<0,001	>0,05
